



## ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАКЛИ ВА УСУЛЛАРИ ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Бердиева Г.*

*Қарши давлат университети катта ўқитувчиси.*

**Таянч сўзлар:** қадриятли мулоқот, синф соати, тарбия, мактаб, синфдан ташқари машғулотлар.

**Ключевые слова:** ценностное общение, классный час, образование, школа, внеклассная деятельность.

**Key words:** value communication, class hour, education, school, extracurricular activities.

Қадриятли мулоқот маданияти гуманистик қадриятларга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради, мулоқот шерикларининг индивидуал, табиий ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилишига аҳамият қаратилиши керак, инсонийлик тамойилига мос келадиган мулоқот воситаларини танлашда юқори ахлоқ билан ажралиб туриши керак.

Қадриятли мулоқот маданияти мулоқотнинг олижаноб мақсадларини назарда тутди: тушуниш маданияти, ҳамдардлик, ўз сўзлари ва ишларига масъулият билан муносабатда бўлиш, инсоннинг заиф ва камчиликларига “эътибор бермаслик” қобилятида намоён бўлади.

Умуман, мулоқот маданияти маълум ахлоқий меъёрларни конкретлаштиришдир. Ўқувчилар ўртасида қадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш учун гуманитар фанларнинг қадриятлар потенциалидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шахснинг қадриятли мулоқот маданияти умуминсоний мулоқотга нисбатан қадриятли муносабатини қарор топтиради ва унда намоён бўлади. Тадқиқотлар кўрсатганидек, агар шахсий неоплазмани шакллантириш жараёнини моделлаштириш учун психологик асос аниқланган бўлса, қадриятли муносабатларини шакллантириш самарали бўлади. Бунда мулоқот жараёнида сўз



маъносининг шаклланиши, маъно англаш ва маъно яратиш жараёнлари назарда тутилади.

Умуман, кадриятли мулоқот инсонпарварлик билимларининг потенциални рўёбга чиқаради ва шахснинг кадриятли онгини шакллантириш учун шароит яратади. Бу борада ўқувчиларда кадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришда гуманитар фанларнинг имкониятиларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларда кадриятли мулоқат маданиятини шакллантиришда асосан биз “Тарих”, “Адабиёт”, “Тарбия” фанларининг имкониятини ўрганишга ҳаракат қилдик. Бу кўп жиҳатдан мазкур фан ўқитувчиларининг амалий фаолиятлари билан боғлиқ. Ўқувчиларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятлари ўзида ҳиссий кечинмаларни англаш кўникмаларини ҳам мужассамлаштиради.

Ўқувчиларда кадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришда “синф соат”ининг ўрни катта ҳисобланади. Шу сабабли тарбиявий соатларда кадриятли мулоқот жараёни ва унинг ўзига хослигини ўқувчиларга англаувчи ўйин-машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўйин-машқлардан тизимли фойдаланиш ўқувчи шахсини кадриятли мулоқот маданиятини англаш, тушунишга ундайди. Шу билан бирга бундай мулоқот уларнинг ҳаётида муҳимлигини ҳис этиб боришади.

Ўқувчиларда кадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришда дарс ва дарсдан ташқари ишлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш борасидаги мустақил ўқишлари ҳам муҳим самара берувчи омил ҳисобланади. Ўз-ўзини ривожлантиришнинг асосини синфдан ташқари ўқиш машғулоти ташкил этиб, мазкур таълим мактабда, жамоада инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ягона жамоасини яратиш, ўзаро муносабатни таркиб топтириш жараёнини мустаҳкамлаш имкониятларини яратади. Шу билан бирга меъёрий ҳужжатларда таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беради. Маълумки, ўқувчилар куйидаги ТК-таянч компетенциялар:

ТК1-коммуникатив компетенция.

ТК2-ахборотлар билан ишлаш компетенцияси.

ТК3-ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси.

ТК4-ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси.

ТК5-миллий ва умуммаданий компетенция.

ТК6-математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.



## I. ФК-фанга оид компетенциялар.

ФК1- Адабий-нутқий компетенциялар (тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш).

ФК2- Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларга эга бўлиши муҳим.

Синфлар кесимида тавсия этилаётган фанлар мазмуни, аввало, узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида тадрижий равишда билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни назарда тутган ҳолда тузилди. Айти пайтда улар орқали шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенциялар белгилаб борилди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мавзулар бўйича уларнинг мазмун-моҳиятига кўра мувофиқ компетенциялар кўрсатилган, айти пайтда кўшимча топшириқлар бериш орқали бошқа компетенцияларни ҳам шакллантириш мумкин. Бу эса ўқувчини ўз-ўзини ривожлантириш имконини беради. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Кўшимча ўқиш учун таклиф этиладиган асар (шеър, хикоя, қисса) ўқувчи ёшига мос бўлиши:

- Ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган асарлар тизимли амалга ошириб борилишини таъминлаш
- Ўқилган асарлар юзасидан мунозаралар олиб боришни йўлга қўйиш. (синфдан ташқари ишлар жараёнида)
- Таклиф этилган асарлар ўқувчида қизиқиш ўйғота олишига эришиш. Чунки, ўз-ўзини ривожлантириш жараёни ташқи таъсир ёки тазйиқ остида эмас, балки ўқувчининг ўзи ўрганаётган илмни ниҳоясига етказиш, унга бўлган чексиз қизиқиш, яъни илмга маънавий эҳтиёж асосида ташкил этилиши зарур. Ўз устида ишлашга мана шундай маънавий эҳтиёж сифатида ёндашилса, инсонда ақлий ҳамда маънавий янгиланиш юз беради [2; 297-б.].

Асосийси, тарбияланувчи, таълим олувчи англаб етадики, *ўзлаштирилаётган фанлар ўз ҳолича алоҳида-алоҳида билимлар йигиндисидир эмас, балки яхлит бир бутун илмнинг турли кўринишларидир*. Фанлар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, ривожлантиради. Шу туфайли улар бир-бирини тақозо этади. Шундагина ўқувчи инсон камолотида қадриятли мулоқот одобини заруратини англай бошлайди. Биз қуйида ўқувчиларни қадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи “Мулоқот маданиятини ўрганамиз” номли махсус дастур таклиф этамиз.

**1-жадвал**

**“Мулоқот маданиятини ўрганамиз” вариатив дастури**

№	Таклиф этилаётган мавзулар мазмуни	Бажариладиган ишлар	Кутилаётган натижа
<b>1-Босқич-ташкилий босқич</b>			
1	Муомала одоби тўғрисидаги ҳадислар, мақоллар.	Ҳадислар, мақоллардан намуналар ўрганиш, мазмунини таҳлил қилиш	Ўқувчиларда мулоқот қилиш заруратини англаш имкониятини ривожланади
<b>2-босқич- аналитик тафаккур босқичи</b>			
2	1.“Бекинмачоқ ўйини”, 2.“Аҳмаднинг яхши иши” 3.“Бахил савдогарнинг оқибати”, 4.“Мушукка озор берган бола”, 5.“Ҳақиқий дўстлик кадри”, 6.“Ақлли боланинг жавоби”, 7.“Тилини тиймаган бола”. [3; 356 б.)	Таклиф этилган ибратли ҳаётий ҳикоятларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш асосида ижодий иншо ёзиш ва тақдирот қилиш	Ўқувчилар ўз-ўзини ривожлантиришда мулоқот қилиш кўникмасини ўрни ва аҳамиятини ангайдилар
<b>3-босқич – ижодий ишлар босқичи</b>			
3	«Тилни бефойда сўзлардан тийиш» «Сир сақлаш» «Чақимчилик иллати»	Таклиф этилган мавзуларида реферат тайёрлаш	Ҳаётий тажрибасини ривожлантириш, ижодий салоҳиятини ошириш
<b>4-босқич – амалий кўникмалар босқичи</b>			
4	1. Мураса видеоролиги 2. Меҳр улашишни ўрган видеоролиги 3. Яхши дўст бўлиш одоби. Ролик 4. Мулоқотда имо – ишоралар. Видео ролиги	Видеороликлар ҳақида хулосалар бериш ҳамда қобилиятлари доирасида ижодий ёндошиш ( расм чизиш, шеър ёзиш, декоратив ишлар ва хк)	Ўқувчиларда кадриятли мулоқот қилиш кўникмаси шаклланади.

Ўқувчиларда кадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришнинг мазкур дастурида ўқувчилар билан амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларга эътибор қаратилади. Шу сабабдан биз дастур тузишда ўқувчиларнинг ўзига хослиги, жамоавий машғулотларда қатнашиш имкониятига



эътибор қаратдик. Биз тавсия этаётган дастурни шаклига кўра икки турга ажратиш мумкин:

1. Жамоавий
2. Якка тартибда

Ўқувчиларни қадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш дастури-ни амалга ошириш жараёнида қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ўқувчиларнинг тафаккур даражаси, ахлоқий мезонларни англаш даражасини инobatга олиш;
- ўқувчиларни тўла қонли фаолиятга жалб этиш;
- ўқувчиларнинг қадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришга доир билимларни эгаллашга нисбатан мотивацияни ривожлантириш;
- амалий кўникмаларини шакллантириш.

Дастур 4-босқичда амалга оширилади. Булар:

**1. Таъшикий босқич.** Бу босқичда қадриятли мулоқот маданиятининг асоси – ширин сўзлилиқ ҳақида тўлиқ маълумот тўпланади. Ўқувчилар билан ҳадислар, мақоллар, ҳикматларни тўплаш ва ўрганиш талаб этилади.

**2. Аналитик тафаккур босқичи.** Ўқувчиларда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришнинг мазкур босқичида ўқувчилар билан қадриятли мулоқот маданиятини ривожлантиришда уларнинг мушоҳада юритиш, тафаккур қилиш, таҳлил қила олиш кўникмасини ривожлантириш орқали амалга ошириш босқичи ҳисобланади. Мазкур босқич мазмунига кўра ўқувчилар мустақил ўқиган, ўрганган асарларидаги қаҳрамонлар ҳаётини ўз ҳаётлари билан таққослайдилар, ўз-ўзини баҳолашга эришадилар.

**3. Ижодий ишлар босқичи.** Дастурнинг муваффақиятини таъминлаш ва ўқувчиларда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун ўқувчиларнинг ижодий ишларидан фойдаланиш талаб этилади. Ана шу сабаб бу босқич асосий босқич ҳисобланади. Чунки, юқоридаги босқичда амалга оширилган ишлар туфайли ҳар бир ўқувчи қадриятли мулоқот маданияти ҳақида тўлиқ маълумот тўплаган ва улардаги қайси муаммога кўпроқ эътибор бериш кераклиги маълум бўлади.

Шу билан бирга, ўқувчиларда бир-бирлари билан дўстона муносабат ўрнатилган ва ўзларини эркин ҳис қилиш ҳолати шаклланиб улгурган бўлади. Айниқса, ўқувчилар ўзларини маҳоратларини намоён қилиш имкони ва истаги янада юзага чиқа бошлайдиган босқич. Шу босдан мазкур босқичдаги мавзулар ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини ёритиб беришга ҳам хизмат қилади.



**4. Амалий қўникмалар босқичи.** Бу босқич ўқувчиларда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришда турли ҳаётий вазиятлар орқали амалга оширилади. Мазкур босқич ўқувчи учун муҳим босқич саналади. Негаки, у дастурнинг самарали эканлигини яқуний босқичи бўлиб, унда ўқувчи ўз-ўзини диагностика қилиш орқали маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини аниқлайди, йўл қўйган камчиликлар ёки ютуқларни ойдинлаштириб олади.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, дастурни амалга ошириш жараёнида ўқитувчилар учун қулай ва самарали педагогик шакллар, метод ва воситаларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бунда турли усул ва машғулотлар тўпламидан фойдаланиш биз танлаган муаммонинг самарали бўлишига олиб келади. Машғулотлар тўпламидан фойдаланиш ўқувчиларда ўз-ўзини англаш ва бошқариш, ҳаётий мақсадларини амалга ошириш, мураккаб вазиятдан тез ва осон чиқиб кета олиш, ахлоқ, эътиқод, ишонч ва тўғри қарор қабул қилиш имкониятини яратди.

#### Адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. дисс. –Т.:, 1993.-58 б.
2. Кадиров В. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиётлар намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. Фан. Док. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 297 б.
3. Зиёвуддин Раҳим. Бола – одоби билан азиз (Фарзанд тарбиялашда ота-оналарга маслаҳатлар) - Т: «Наврўз» нашриёти 2015 й. 356 б.
4. Кенжаев Д., Исматова Н. Ва б. Тарбия. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. -, “Ўзбекистон” номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 2020. 36, 106-б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шахсда қадриятли мулоқот маданиятининг мазмун моҳияти, ўқувчиларда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш имкониятлари, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда қадриятли мулоқотни ривожлантириш шакл, усул, технологияларига доир фикр мулоҳазалар келтириб ўтилган. Шунингдек, муаллиф қадриятли мулоқотнинг шахс ва жамият маданиятидаги аҳамияти, ижтимоий жиҳатлари ҳамда қадриятларга оид ёндашувлар мазмуни киёсий таҳлил қилиб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье обсуждаются сущность культуры ценного общения у личности, возможности формирования культуры ценного общения у учащихся, формы, методы и технологии развития ценного общения на уроках и внеклассной деятельности. Кроме того, автором проведен сравнительный анализ значения ценностной коммуникации в культуре личности и общества, социальных аспектов и содержания подходов к ценностям.

#### SUMMARY

This article discusses the essence of a culture of valuable communication among individuals, the possibility of creating a culture of valuable communication among students, forms, methods and technologies for the development of valuable communication in lessons and extracurricular activities. In addition, the author conducted a comparative analysis of the meaning of value communication in the culture of the individual and society, social aspects and the content of approaches to values.